

**Хайдаров М.Т.**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИНГ СЧЁТЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

## **ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИНГ СЧЁТЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

Мақолада бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳаракатланиши ҳисобини юритиш, уларнинг балансга олиниши, балансдан чиқарилиши, инвентаризация жараёнида амалга ошириладиган ишлар, уларни қайси счёtlарда ва қандай акс эттирилиши алоҳида мисоллар ёрдамида ёритилган.

Таянч иборалар: бюджет ташкилоти, асосий воситалар, ҳисоб, счёtlар, балансга олиш, балансдан чиқариш, инвентаризация, камомад.

## **ХАЙДАРОВ М.Т. ПОРЯДОК ВЕДЕНИЯ СЧЕТОВ УЧЕТА ДВИЖЕНИЯ ОСНОВНЫХ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

В статье обсуждаются вопросы движения основных фондов в бюджетных организациях, порядок принятия и снятия из баланса, предпринимаемые действия и решаемые вопросы при проведении их инвентаризации и на каких счетах и каким образом эти операции отражаются на основе конкретных примеров.

Ключевые слова: бюджетные организации, основные фонды, учет, счета, принятие на баланс, снятие с баланса, инвентаризация, недостача.

## **KHAYDAROV M.T. THE ORDER OF BASIC CAPITAL MOVEMENT ACCOUNTS ADMINISTRATION IN BUDGET ORGANIZATIONS**

There is discussed in the article the issues of long term assets movement in the budget organizations, those acceptance to balance sheet, withdrawal of balance sheet, as well purpose and order of inventory operations and those reflection of accounts. There is provides accounting management operations based on practical cases.

Keywords: budget organizations, basic capital, accounting, account management, acceptance to balance sheet, withdrawal of balance sheet, inventory, shortage.

**Бюджет ташкилотлари мулки бўлмиш асосий воситаларнинг ташкилотга кириб келиши ва ҳисобидан чиқарилиши, унинг жисмоний ва маънавий эскириши жуда муҳим иқтисодий жараён бўлиб, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштириш уларнинг тўғри ҳисобини юритиши ва иқтисодий таҳлилиниң ташкил қилиниши билан боғлиқ долзарб масаладир.**

Бюджет ташкилотлари асосий воситалари ҳаракатланиши ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғига илова бўлмиш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабря 2169-рақам билан рўйхатга олинган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома»га асосланниб юритилади. Ушбу йўриқномага кўра асосий воситалар қўйидагилар натижасида ташкилот балансидан чиқарилади:

- тугатиш;
- сотиш;
- беғараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Асосий воситалар қисман тугатилган ҳолда унинг дастлабки (тиглаш) қиймати ва жамланган эскириш суммаси тегишлигича обьектнинг тугатилган қисмининг дастлабки (тиглаш) қиймати ва жамланган эскириш суммасига камайтирилади.

Ташкилотлар балансидан асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа моддий қимматликларни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Асосий воситаларни уларнинг тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссия томонидан қабул қилинган қарор натижалари «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома»нинг 31-иловасига асосан, бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома би-

лан (AB-4-сон шакл, бюджет.), шу жумладан, 32-иловасига асосан бюджет ташкилотларида транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома (AB-4-сон шакл, бюджет.) билан, кутубхонадаги мавжуд адабиётларни ҳисобдан чиқариш эса йўриқноманинг 33-иловасига мувофиқ бюджет ташкилотлари кутубхонасида мавжуд бўлган адабиётларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатнома (444-сон шакл) билан расмийлаштирилади.

Ушбу далолатномалар комиссия томонидан икки нусхада тузилади ва барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси асосий воситалар обьектларининг сақланиши учун жавобгар бўлган шахсада қолдирилиб, ҳисобдан чиқариш натижасида қолган моддий қимматликлар ёки темир-терсакни омборга топшириш ёки сотиш учун асос бўлади. Транспорт воситасини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам тақдим қилинади.

Ушбу далолатномалар ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланмагунига қадар асосий воситаларни қисмларга бўлиш ва демонтаж қилишга йўл қўйилмайди.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва жойдан-жойга кўчириш операцияларининг ҳисоби 438-сон шаклдаги жамланма қайдномада (9-мемориал ордерда) олиб борилади. Жамланма қайдномага ёзув-иқтисод ва молия / экономика и финансы 2015, 10

лар ҳар бир ҳужжат бўйича ёзилади. Бунда «Жами» устунида (тик қаторида) ёзиладиган ҳисобдан чиқарилган ва жойдан-жойга кўчирилган моддий ашёлар суммаси субсчётнинг дебет бўйича суммасига тенг бўлиши керак. Ойнинг охирида субсчёт бўйича натижалар «Бош-журнал китоби»га ёзилади.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби АВ-6-сон шаклдаги ва АВ-8-сон шаклдаги инвентар карточкаларда юритилади. Карточкалар ҳар бир инвентар объект (предмет) бўйича юритилади. Бир турдаги предметлар АВ-9-сон шаклдаги карточкаларда ҳисобга олинади.

АВ-6, АВ-8 ва АВ-9-сон шаклдаги инвентар карточкалари АВ-10-сон шаклдаги асосий воситалар ҳисоби бўйича инвентар карточкалар рўйхатида хатлашдан ўтказилади. Ушбу рўйхат бир нусхада юритилади. Ундағи ёзувлар асосий воситаларни гуруҳларга бўлиб, карточкалар очилган йилни кўрсатиб амалга оширилади. Ҳар бир гуруҳ учун тегишли миқдорда саҳифа ажратилади. Рақамлаш ҳар бир гуруҳ бўйича 1 дан бошланади.

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилганда ва жойдан-жойга кўчирилганда хатлаш рўйхатининг «Изоҳ» графасида мемориал ордернинг санаси (кун, ой, йил) ҳамда рақами кўрсатилади

Инвентар карточкалар картотекаларда сақланади. Улар тегишли субсчёtlар ва гуруҳлар бўйича ҳамда ўз ичидаги моддий жавобгар шахсларга бўлинган ҳолда жойлаштирилади.

АВ-6-сон шаклдаги инвентар карточка турар-жой иморатлар (010 субсчёт), нотурар жой иморатлар (011 субсчёт), иншоотлар (012 субсчёт), машина ва жиҳозлар (013 субсчёт), транспорт воситаларини (015 субсчёт) ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Инвентар карточкаларни юритишдан мақсад асосий воситаларнинг барча тавсифини ва улардаги ўзгаришларни акс эттиришдан иборат.

Инвентар карточка бухгалтерияда ҳар бир алоҳида объект учун очилади ва асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, мазкур объект учун тайёрловчи заводнинг паспортлари, техник ва бошқа ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

Асосий воситалар объектига илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқ инвентар карточкада объектнинг белгилари, яъни объектнинг инвентар рақами, чизмаси, лойиҳаси, модели, хили, маркаси, завод (ёки бошқа) рақами, чиқарилган (тайёрланган) санаси, қабул қилиш далолатномасининг санаси ва рақами, дастлабки (тиклаш) қиймати, харид ва қайта баҳолаш ҳужжатлари бўйича эскириши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Асбоб-ускуналар, приборлар, ҳисоблаш текникаси, музей қимматликлари ва бошқалар таркибида қимматбаҳо металлар бор бўлса, таркибида қимматбаҳо металл бор бўлган деталлар рўйхати, паспортда кўрсатилган деталларнинг номи ва метал оғирлиги кўрсатилади.

Инвентар карточканинг орқа томонида асосий воситаларнинг келиб тушиши (объектни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида), жойининг ўзгартирилиши (асосий воситалар объектининг ички жойлашиши жойини ўзгартириш юхати асосида), объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши (асосий воситалар объектини (автотранспорт воситаларидан ташқари) ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома ёки автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома асосида асосий воситалар объектининг чиқиб кетишида ёки ҳисобдан чиқарилишида) тўғрисидаги маълумотлар, объектнинг ўзига хос қисқача тавсифи, уни ташкил қилувчи предметлар рўйхати ва унинг асосий сифат ҳамда миқдор кўрсаткичлари, шунингдек далолатномалар ва илова қилинадиган техник ҳужжатлар маълумотлари асосида энг керакли тақаб қурилган бинолари, мосламалари ва жиҳозлари келтирилади.

**Асосий воситалар ҳисоби бўйича  
инвентарь карточкалар рўйхати**

AB-10-сон шакл

й. дан

й. гача

Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

Гурухнинг номи \_\_\_\_\_

Карточка рақами	Инвентарь рақами	Объектнинг номланиши	Ҳисобдан чиқариш бўйича қайд	
			Сана	Хужжат рақами ва номи
1	2	3	4	5

AB-8-сон шакл инвентар карточка бошқа асосий воситаларни (019 субсчёт) ҳисобга олиш учун хизмат қиласди.

Карточка қабул қилиш далолатномалари асосида (харид қилиш ҳужжатлари бўйича) очилади ва унда бошқа асосий воситалар, жумладан ҳайвонларнинг ёши, ранги (туси), тамғаси, оти ва ҳ.к. кўрсатилган ҳолда ўзига хос тавсифи келтирилади.

Кўп йиллик ўсимликлар тури, ўтқазилган бирликлар сони ва майдони кўрсатилган ҳолда инвентар объектлари бўйича ҳисобга олинади.

AB-9-сон шаклдаги инвентар карточка айнан бир хил ишлаб чиқариш аҳамиятига, техник тавсифга эга бўлган асосий воситалар объектларининг бир хил гуруҳлари: кутубхона фондлари ва саҳнага қўйиш воситаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Карточкадаги ёзувлар миқдор ва сумма ифодасида ёзиб борилади.

Инвентар карточка асосий воситалар объектлари гуруҳларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси, асосий воситалар объектларининг ички жойлашиш жойини ўзгартириш юкхати асосида очилади

ва ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича юритилади. Объектларни ҳисобдан чиқариш ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

Кутубхона фондлари учун битта инвентар карточка очилади. Унда ҳисоб умумий қиймати бўйича фақат пул ифодасида юритилади.

Саҳнага қўйиш воситалари ҳисоби сони ва объектларнинг қиймати бўйича инвентар карточкаларда юритилади.

«Асосий воситалар» счётининг (01) дебет томонида асосий воситаларнинг кирими (дастлабки қийматининг ошиши), кредит томонида эса асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (дастлабки қийматининг камайиши) акс эттирилади.

Сотиб олинган асосий воситаларнинг қиймати (сотиб олиш нархи, шунингдек, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар) ҳисобда (072) «Асосий воситаларга бошқа харажатлар» субсчётининг дебетига ва (15) «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ва бошқа счёtlарнинг тегишли субсчёtlари кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати

бўйича кирим қилиниши эса (01) «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари дебетига ва (072) «Асосий воситаларга бошқа харажатлар» субсчётигининг кредитига ёзилади.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича (072) «Асосий воситаларга бошқа харажатлар» субсчётигининг дебетига ва (262) «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётигининг кредитига ёзилади. Агарда, ушбу асосий восита бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилса, у ҳолда ушбу харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади ва ҳисобда (072) «Асосий воситаларга бошқа харажатлар» субсчётигининг дебетига ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда (15) «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ёки бошқа тегишли счётиларнинг субсчётлари кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши (01) «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари дебетига ва (072) «Асосий воситаларга бошқа харажатлар» субсчётигининг кредитига ёзилади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек, пудрат шартномасига асосан қурилган асосий восита объектларининг кирим қилиниши (01) «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари дебетига ва (071) «Тугалланмаган қурилиш» субсчётигининг кредитига акс эттирилади.

Тугатилиши муносабати билан асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётининг тегишли субсчётлари кредитига, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчётларнинг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётининг тегишли субсчётлари дебетига ёзиш йўли билан акс эттирилади;

(251), (261) ёки (271) субсчётларнинг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётининг тегишли субсчётлари дебетига ёзиш йўли билан акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий заҳираларнинг кирим қилиниши товар-моддий заҳираларни ҳисобга оловчи субсчётларнинг дебетига ва товар-моддий заҳиралар суммасини мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати доирасида (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчётларнинг кредитига (уни кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда), қолдиқ қийматидан ошган сумма эса (272) «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётигин кредитига акс эттирилади.

Ташкилотларда асосий воситаларнинг сотилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1) бино ва иншоотлар (чет элда жойлашганларидан ташқари):

асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётининг тегишли субсчётлари кредитига, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчётларнинг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётининг тегишли субсчётлари дебетига ёзиш йўли билан акс эттирилади;

2) қолган асосий воситалар (чет элда жойлашганларидан ташқари):

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётининг тегишли субсчётлари кредитига ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчётигининг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётининг тегишли субсчётлари кредитига ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчётигининг кредитига акс эттирилади (1-мисол);

**1-мисол.**

	Дебет	Кредит	Сумма
1. Агар асосий восита (мисол учун 40.0 млн. сүмлик нотурап жой иморати) 100% эскирган бўлса	021	011	40.0 млн. сўм
2. Агар бюджет маблағи ҳисобидан олинган асосий восита (мисол учун 40.0 млн. нотурап жой иморати қисман 10% (40.0*10%=4.0 млн.сўм) эскирган бўлса	021	011	4.0 млн. сўм
2а. Бир вақтнинг ўзида қолган (90%) суммасига	231	011	36.0 млн. сўм
3. Ушбу асосий воситани сотишга қарор қилинди ( 36.0 млн. сўм)	201	160	36.0 млн. сўм
4. Асосий восита сотилишга чиқарилди (36.0 млн сўм)	159	201	36.0 млн. сўм
5. Асосий восита сотилишидан маблағлар тушганда	112	159	36.0 млн. сўм
6. Асосий восита сотилишидан тушган маблағлар давлат бюджетига ўтказиб берилганда	160	112	36.0 млн. сўм

асосий воситаларни сотиш қиймати (15) счёtnинг тегишли субсчёtlари дебетида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг кредитида, бир вақтнинг ўзида тегишли бюджет даромадига ҳисобланган сумма (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёti ning дебетида ва (160) «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёtinинг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши (15) счёtnинг тегишли субсчёtlарининг кредитида ва (113) «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёtinинг дебетида, бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши эса (113) «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёtinинг кредитида ва (160) «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёti ning дебетида акс эттирилади;

асосий воситаларнинг сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (даромад) (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг дебетида ва (272) «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчёtinинг кредитида, салбий молиявий натижа (зарар) эса асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчёtlарнинг дебетида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реа-

лизацияси» субсчёtinинг кредитида акс эттирилади;

3) чет элда жойлашган ташкилотларнинг асосий воситалари (бино ва иншоотлардан ташқари):

дастлабки (тиклиниш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счёtnинг тегишли субсчёtlари кредитида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счёtnинг тегишли субсчёtlари дебетида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг кредитида акс эттирилади;

асосий воситаларни сотиш қиймати (15) счёtnинг тегишли субсчёtlари дебетида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши (15) счёtnинг тегишли субсчёtlарининг кредитида ва (113) «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёtinинг дебетида акс эттирилади;

асосий воситаларни сотиш натижалари бўйича ижобий молиявий натижа (даромад) (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчёtinинг дебетида ва (272) «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчёtinинг кредитида, салбий молиявий натижа (зарар) эса асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан

ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олуви (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчёtlарнинг дебетида ва (201) «Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Ташкилотлар томонидан асосий воситалар беғараз берилганда унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётнинг тегишли субсчёtlари кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олуви (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчёtlарнинг дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётнинг тегишли субсчёtlари дебетида акс эттирилади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланган тартибда ташкилот ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобида (01) «Асосий воситалар» счётнинг тегишли субсчёtlари дебетида ва (273) «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан мол-мулклар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбори топилмаган ёки моддий-жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиқсан асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 01 счётнинг тегишли субсчёtlари кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олуви (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчёtlарнинг дебетида, ҳисобланган эскириш

суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётнинг тегишли субсчёtlари дебетида акс эттирилади.

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ва агарда асосий восита бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбор шахсадан ундириладиган сумма қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиқсан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётнинг тегишли субсчёtlари кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олуви (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчёtlарнинг дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётнинг тегишли субсчёtlари дебетида акс эттирилади;

айбор шахсадан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши (170) «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида ва (160) «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитида;

айбор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши (120) «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётининг дебетида ва (170) «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитида;

камомад суммасининг ҳисобварақча кирим қилиниши (113) «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг дебетида ва (120) «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши (160) «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида ва (113) «Бошқа

**2-мисол.**

	Дебет	Кредит	Сумма
1. Бюджет маблағи ҳисобидан олинган асосий восита (мисол учун 24.0 млн. сүмлик енгил автомашина, қисман 70% ( $24.0 \times 70\% = 16.8$ млн. сүм) эскирган бўлиб инвентаризация натижасида кам чиққани аниқланди	025	015	16.8 млн. сүм
2. Бир вақтнинг ўзида қолган (30%) суммасига	231	015	7.2 млн.сүм
3. Ушбу асосий восита айбдор шахсдан ундирилиши ва ушбу сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160	24.0 млн.сүм
4. Айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши	120	170	24.0 млн.сүм
5. Айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига тўлаган камомад суммаси ҳисобварақقا кирим қилиниши	112	120	24.0 млн.сүм
6. Маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши	160	112	24.0 млн.сүм

бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёти-нинг кредитида акс эттирилади (2-мисол).

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда асосий восита бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс эттирилади:

кам чиққан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (01) счётнинг тегишли субсчётлари кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (170) «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши эса (02) счётнинг тегишли субсчётлари дебетида акс эттирилади. Агарда мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ (170) субсчётининг дебетида (ёки кредитида) ва (272) «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётининг кредитида (ёки асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи (231), (241), (251), (261) ёки (271) субсчётларнинг дебетида) акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга оловчи субсчётларнинг дебетида ва (170) субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Агарда асосий восита бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма асосий восита қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади.

Ушбу маблағлар тўлиғича ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган асосий воситаси камомад чиққан асосий восита қийматига teng ёки ундан кам бўлса, ушбу асосий восита белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми эса моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган асосий воситаларнинг қиймати операция содир этилган (божхона юк декларация-

сини тўлдириш ёки етказиб берилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган) санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан белгиланади.

Ташкилотлар томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш, шунингдек, ижарадан

тушган маблағларни ҳисобда акс эттириш қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

Ижарага берилган асосий воситалар ижарага берувчи ташкилотларда балансдан (ҳисобдан) чиқарилмайди, ижарага олувчиларда эса мазкур асосий воситалар 01 «Ижарага олинган асосий воситалар» номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олиниади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-I-сонли қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабря 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасинининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-, 129-, 2002-86-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабря 1192-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабря 2538-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2270-тартиб рақам билан 2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича» қоидалар.